

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ


№ 72 (11.633)

Баҳоси эркін нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Бозор иқтисодиёти
шароитида рақобатбардош
маҳсулот тайёрлаб, ҳам
ички, ҳам ташқи бозорда
харидоргирлигини
таъминлашда аввало
замонавий техник ускуна
ва дастгоҳлар, шунинг
баробарида илғор
технологиялардан оқилона
фойдаланишнинг ўрни
катта.**



Қўшма корхоналарда

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Бу борада малакали кадрларнинг хиссаси салмоли бўлиб, янги лойижаларни амалга оширишда, маҳсулот сифатини таъминлашда уларнинг таҳрира ва маҳорати қўл келади.

Мамлакатимизда хориж сармоядорларига яратилган кулай инвестицион мухит, хукукий химоя боис шерикликдаги кўшма корхоналар сафи ортиб, маҳсулот турлари кўпайиб бормоқда. Энг асосий импорт ўрнини босувчи бундай маҳсулотларнинг халқаро андозаларга мослигидир.

Тўрт йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Ni Tech Kabel» кўшма корхонаси ҳам Буюк британияни хамкорлар билан шериклика ташкил топган. Бу ерда бозорда ўз ўрнига эга бўлган паст ва юқори куч-

ланиши кабель ҳамда кабель ўтказгичлари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги таъминланганки, улар сифат менемхенти тизимишин ISO 9001:2000 халқаро стандарт таълабларига тўла жавоб берәётгандиги билан эътиборлидир.

Аввало сифатни маҳсулотлари турларини кўпайтириш асосида ички бозорни таъминлаётган корхонада шунингдек «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги остида Грузия, Украина, Афғонистон, Киргизистон, Қозоғистон сингари давлатларга маҳсулот экспорти ҳам йўлга кўйилган. Келгусида ҳамкорлар сафини яна кенгайтириш кўзда тутилганки, бунинг учун маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини ошириш йўлидаги сайъ-харакат-

шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона
фаолиятидан лавҳалар.
Ҳакимжон Солихов
олган суратлар

ғолиблари аниқланиб, улар ташкилотчilar — ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мусасасалари ўқувчилари ўтарасида ахборот-коммуникация технологиялari бўйича ўтказилган кўрик-тандлов

гунишиб «Гулшан» маданиятва истироҳат боғига «Саломатликнинг ўш дўйстлари» мусобақалари ўтказилиди. Таъдир Қизил Ярим Ой хамити ва «Камолот» ЕИХ Мирзо Улугбек тумани бўлимлари томонидан ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА
САТРЛАРДА

Тошкент шахар
хокимишинг Ахборот
хизматишига ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

✓ ПОЙТАХТИМИЗДА
касб-хунар таълими муасасасалари ўқувчилари ўтарасида ахборот-коммуникация технологиялari бўйича ўтказилган кўрик-тандлов

голиблари аниқланиб, улар ташкилотчilar — ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мусасасалари ўқувчилари ўтарасида ахборот-коммуникация технологиялari бўйича ўтказилган кўрик-тандлов

✓ ТОШКЕНТ Давлат педагогика университетида «Барқамол авлодни тарбиялашда экологик онг ва экологик маданиятнинг ўрни» мавзусида давра сухбати бўлиб ўтди.

XXI садоси
аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кечаки Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» мажмууда «Соғлиқни сақлаш — ТИЕ 2010» 15-халқаро кўргазмаси иш бошлиди. Мазкур нуфузли тадбир «ТИЕ Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Республика Стоматологлар уюшмаси, «Ўтибтехника» МЧЖ каби бир катор ташкилотлар ҳамкорлигидаги уюштирилди. Унда жаҳоннинг 25 давлатидан келган 145 дан зиёд компаниялар тиббиёт асбоб-ускуналари, фармацевтика маҳсулотлари, эстетик тиббиёт ҳамда стоматология соҳасидаги янгиликларни намойиш этмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг жорий йил дастлабки чорагида соҳада амалга оширилган ишлар сархисоби ва галдаги вазифаларга бағишиланган кенгайтирилган ҳайъат ѹигилиши бўлиб ўтди. Унда кўмита ҳамда ҳудудий давлат солик бошқармалари, инспекциялари раҳбарлари иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши кураши бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги ѹигилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Одам савдосига қарши кураши бўйича Навоий ва Жиззах вилоятларида ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятни ўрганиш натижалари ва шу ѹйналишдаги янги Низом муҳокама килинди.

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Мехр нури» жамғармалари ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигидаги ташкил этилаётган «Биз — бир жамоамиз» ёшлар акцияси доирасадаги навбатдаги тадбир Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

• Марғилондаги миллий хунармандчилик коллежи ахборот-ресурс марказида маърифатпарвар шоир Фурқат таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан «Баҳор ва баҳт кўйчиси» номли адабий кечаки бўлиб ўтди. Унда талабалар шоирнинг ҳайёти ва ижодига оид билимларини намойиш этиб, баҳор ва ёрвасфига бағишиланган ғазалларидан ўқишди.

• Бувайда туманинидаги Бекобод қишлоғида ахборот технологиялари коллежи қуриб битказилди. 615 ўринга мўлжалланган ушбу замонавий билим масканини бунёд этиш учун 995 миллион сўмлик маблаб сарфланди.

ЖАҲОНДА

• Польшада навбатдан ташкари президент сайловларини ўтказиш муддати 21 апрелда ўзлон гилинади. Тахминларга кўра, сайловлар июн ойидаги ўтказилиши.

• Кечаки Грекияда таксичиларнинг кенг кўламдаги иш ташлаши бўлиб ўтди.

• Кечаки Хитойнинг Цинхай музофотида Рихтер шкаласи бўйича рўй берган 7,1 баллик зилзила катта талафотларни келтириб чиқарди. Ер силкиниши натижасида сўнгги маълумотларга кўра 589 киши ҳалок бўлган, 8 мингга яқин одам тан жароҳати олган. Вайроналар остида минглаб қишиларнинг колиб кетганини айтилмоқда. Вайроналар тагидида қолган одамларни кутқариш ишларида кутқарувчиларга ҳарбийлар ёрдам бермоқда.

• Хиндиёндаги юз берган довул мамлакатнинг Фарбий Бенгалия штатида яшовчи аҳоли учун кўплаб нокуладиларни келтириб чиқарди. Айниқса, Шимолий Динахтур округида катта талафотларни келтириб чиқарди. Ер силкиниши натижасида сўнгги маълумотларга кўра 31 киши ҳалок бўлди, 50 мингга яқин турар жой биноси вайронага айланди.

• Кечаки Исландияда 200 йилдан бўйнинч ғўчесига вулканнинг ҳараратка келиши натижасида мамлакатнинг жанубишини кунгунтларидаги музлар эриб, тошқинлар юзага келди. Вулкан отилган жойга яқин аҳоли яшаш пунктларидан 800 дан ортиқ киши хавфсиз жойларга кўчирилди.

• Кечакан бошлаб Япониянинг «Тойота» компанияси ўзининг «Лексус» руслумли янги универсал машиналарини АҚШга жўнатишни тўхтатди. Бунга машина бурилаётганда тўқнашув хавфининг юзага келиши омиллари сабаб бўлди. Таъкидлаш жоизки, кейнинг пайтларда ушбу автокомпания томонидан жаҳон мамлакатларидан турли носозликларга эга бўлганлиги учун 8,5 миллионта автомобиль қайтириб олинган.

